# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 18-DEKABR, SESHANBA, 150 (8075)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**Аввал хабар қилинганидек, шу йил 14 декабрь куни Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Фарғона деганда, аввалambор, "Олтин водий" деб ном олган, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида.

Беқиёс ва бетакрор табиатга, инсоннинг ҳавасини тортадиган мўътадил иқлимга, сўлим боғ-роғлар, фақат шу заминда учрайдиган, дунёга довруғи кетган турли нознеъматларга, кўҳна тарихга эга бўлган Фарғона вилояти ҳақида, унинг кўпни кўрган, ҳаётнинг, одамнинг қадрига етадиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст, содда ва самимий инсонлари, ўз қўли билан ўзининг эртанги кунини, ёруғ келажагини қураётган, бағрикенг, валломат халқи ҳақида, бу элга хос бўлган эзгу хусусият ва фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталар экан, Ислом Каримов вилоят аҳлига ўз қалбида, юрагида бўлган самимий сўзларни, меҳр-муҳаббатни изҳор этиш катта мамнуният ва хурсандчилик бағишлашини таъкидлади.

Бугунги учрашувимиздан мақсад, деб ўз сўзини давом эттирди Юртбошимиз, жорий йил якунига етиб бориши билан ўтган давр мобайнида қилган ишларимизга холисона баҳо бериш, қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида фикр алмашиш, айни вақтда ҳал этилмаган, ечимини кутаётган муаммоларни сизлар билан бирга муҳокама қилиш, олдимизда турган вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Бутун юртимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли соҳаларда – бу саноат, қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан ёки маданият бўладими – буларнинг барчасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Вилоят иқтисодиётида жорий йилнинг якуни бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ хўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоиз, пудрат ишларида 12 фоиз ўсишига эришиш кутилаётганини қайд этиш лозим.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,7 баробар ошди. Бундай натижаларни қўлга киритишда замонавий саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш жараёнларининг изчил амалга оширилаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ишлаб чиқариш соҳаси олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритиб, ўтган даврда ишга туширилган қувватлар, биринчи навбатда, энг замонавий технологияларга эга бўлган корхоналар, маҳаллий хомашё, аввалambор, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизида чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналар фаолиятини атрофлича таҳлил этди.

Ана шу корхоналарнинг имкониятидан тўла фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш орқали нафақат ички бозоримизни тўлдириш, шу билан бирга, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва шунинг ҳисобидан меҳнатчиларимизнинг даромади, ҳаёт даражасини юксалтириш бугунги кунда қандай долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деди Ислом Каримов.

Шу мақсадда кейинги вақтда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 89 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ва кредитлар асосида тубдан модернизация қилингани, Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарийб 95 миллион долларлик инвестиция жалб этилиб, унинг салоҳияти кескин оширилганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида охирги беш йилда Қувасойцемент, "Кварц", Қўқон суперфосфат, Қўқон механика заводи каби 10 дан ортиқ йирик саноат корхонасида 128 миллион доллардан зиёд инвестиция маблағи сарфланиб, модернизация ишлари амалга оширилгани албатта эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, таркибий ўзгартириш ва диверсификация ҳисобидан вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганини айтиб ўтиш жоиз.

Жорий йилда тўқимачилик, озиқ-овқат ва пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 23 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилиб, уларни модернизация қилиш учун 130 миллиард сўмдан зиёд инвестиция маблағлари йўналтирилди. Ана шундай ижобий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва маиший кимё соҳасида фаолият кўрсатадиган 41 та корхонада ҳам маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, модернизация, техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Юртбошимиз нутқида вилоятда енгил саноат соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар қилинаётгани эътироф этилди. Кейинги беш йилда мазкур тармоқда хорижий компаниялар билан ҳамкорликда умумий қиймати 91 миллион АҚШ доллари бўлган 12 та лойиҳа амалга оширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ҳозирги вақтда ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоизидан ортиғи четга экспорт қилинмоқда. Энг муҳими, бу корхоналар 1600 дан зиёд ёшларни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш имконини берди.

Амалга оширилаётган ана шундай ишлар туфайли вилоятда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 2000 йилдаги 22 фоиз ўрнига 2011 йилда 54,7 фоизга етганини, ҳеч шубҳасиз, жиддий ўсиш сифатида баҳолаш ўринлидир.

Илгари биз четга фақат пахта хомашёсини сотардик. Бугун полуфабрикат, яъни ип-калава маҳсулотини сотяпмиз. Дунёнинг узоқ-яқин ўлкаларида бизнинг ана шу маҳсулотларимизга талаб катта. Маълумки, пахта толаси – ноёб маҳсулот, уни етиштириш учун деҳқонларимиз йил давомида фидокорона меҳнат қилади. Мана шундай меҳнат эвазига олинган маҳсулот ҳисобидан минг-минглаб одамларимиз нафақат даромад топяпти, шу билан бирга, Ўзбекистон пахтасининг дунёда ном қозонишига ҳисса қўшмоқда. Шу маънода, бугун биз пахта хомашёсини биринчи босқичда ўзимизда қайта ишлаб, четга сотаётганимиз, албатта бу – катта ютуқ, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Айни вақтда қимматбаҳо бойлик бўлган пахта толасини биздан сотиб олаётган бошқа мамлакатлар уни яна қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали қўшимча равишда яна 2-3 карра кўп даромад олмоқда. Савол туғилади – нима учун шу ишни биз ўзимиз қилишимиз мумкин эмас?

Бир вақтлар биз 900 минг тонна пахта толасини собиқ Марказ ихтиёрига жўнатардик, у ерда ўтирганлар бу бойликни кимга, қанча нархда сотаётганини республикамизда ҳеч ким билмасди.

Ўша пайтлари "Ўзбекистон олтин макони" деган сўзлар кўп айтиларди. Лекин Ўзбекистоннинг олтини, бошқа рангли металлари кимга сотиляпти, қайси нархда сотиляпти ва бунинг ҳисобидан Марказ қанча даромад оляпти, бу даромаддан бизга нима тушаяпти – ана шу ноёб бойликлар эгаси бўлмиш халқимиз бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди. Ҳатто Ўзбекистоннинг молия вазири бўлатуриб, бу ҳақда мен ҳам билмасдим, деди Ислом Каримов. Мен Давлат план қўмитасида 20 йил хизмат қилганман, Молия вазирлигида 4 йил ишлаганман, бинобарин, ана шу масалалар бўйича менда маълумот бўлиши керак эди. Бу хусусда бирор-бир ахборот олишга интилсам, бу сенинг ишинг эмас, деган қўпол жавоб олардим.

Минг шукурки, энди у кунлар ортда қолди. Мен жойларда бўлиб, деҳқон ва фермерлар билан учрашганимда бу масалалар бўйича очиқ ва ошкора маълумот беришга ҳаракат қиламан. Айни вақтда уларнинг бу борада етарлича хабардорлиги, мисол учун, пахта ёки ғалланинг жаҳон бозоридаги нархлари қандай экани, бу нарх-навонинг нега ўсгани ёки аксинча, нега пасайгани ҳақида ҳар томонлама маълумотга эга эканини кўриб хурсанд бўламан. Бу ҳақда нафақат қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки шу юртда яшаётган ҳар бир одам фикр юритиши табиийдир.

Бизнинг билим ва савиямиз мана шундай ўзгариб бораётганини, халқимиз ўз ери, ўзи етиштирган маҳсулотнинг, мамлакатимиз бойликларининг ҳақиқий эгасига айланганини мен Президент бўлиб ҳар қадамда сезяпман ва бу бизга катта куч-қувват бағишлайди. Лўнда қилиб айтганда, онгу тафаккури, дунёқараши тобора юксалиб бораётган бундай халқни ўз танлаган йўлидан қайтариш асло мумкин эмас, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Фарғона вилоятида турли хомашё захиралари ва меҳнат ресурслари етарли эканини эътиборга оладиган бўлсак, бу ерда пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини янада ошириш, энг асосийси, истеъмол молларини, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни муҳим вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблашимиз зарур, деб қайд этди Президентимиз.

Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, пахта толасини қайта ишлаш асосида экспорт қилинадиган ип-калавани тайёр маҳсулот даражасига кўтариш учун четдан замонавий технологияларни олиб келиб ўзимизда ишга солсак, бу, биринчидан, маҳсулотга қўшимча қиймат қўшиб, янги даромад топиш, иккинчидан, янги иш ўринларини кўпайтириш имконини беради. Ўйлайманки, бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар бор, деди Ислом Каримов. Бу борада нуфузли хорижий компания ва фирмаларни кенг жалб этиш, уларнинг замонавий технологияларидан, ишни ташкил қилишнинг самарали усулларидан фойдаланиш ана шу мақсадга эришишнинг энг мақбул йўлидир.

Бугунги кунда замонавий лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларимизни битириб чиқаётган ёшларимизнинг савияси, малакаси шундай ўсганки, буни шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этган ривожланган мамлакатларнинг манаман деган йирик олимлари, таълим соҳаси мутахассислари ва ташкилотчилари ҳам тан олди.

Шундай экан, бугунги кунда четга сотаётган полуфабрикатни тайёр маҳсулотга айлантириш бўйича бизда улкан имкониятлар мавжуд, деб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган, интеллектуал ва маънавий даражаси, замонавий касб-ҳунар ва етакчи хорижий тилларни билиши жиҳатидан тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан баҳслашишга, керак бўлса, курашишга, ҳар қандай мураккаб вазифани уддалашга қодир бўлган ёшларимиз бугун ҳаётга кириб келяпти. Бу барчамизга ғурур ва ифтихор етказади, албатта.

Мен вилоят ва туманларда бўлганимда, деб фикрини давом эттирди Юртбошимиз, одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг модага қараб, дид билан замонавий кийинишини кўриб чиндан ҳам ҳавасим келади. Бир вақтлар бу масалада қандайдир хижолат тортиб юрган бўлсак, бугун манзара тубдан ўзгаряпти. Ўтган йили Наманганда ёш бир тадбиркор ташкил этган тикув фабрикаси фаолияти билан танишган эдим. У ерда тикилаётган замонавий костюмлар чет элларнинг энг яхши компаниялари маҳсулотидан асло қолишмайди. Демоқчиманки, бугун бизнинг турмуш маданиятимиз ҳам юксалиб бормоқда. Бу ўз навбатида халқимизнинг эркин ва фаровон яшаётганининг намоёни ҳамдир.

Инсон бу дунёда ҳаётдан мамнун бўлиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаши керак. Яъни, фақат меҳнат қилиш эмас, Худонинг буюрганини бажариб, шу билан бирга, берган неъматига шукур қилиб яшаш оқилона ва бахтли ҳаёт кечиришнинг асосий белгиси, десак, янглишмаган бўламиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг тарқалган "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган шиорни бугун юртимизда ҳамма, ҳатто ёшларимиз ҳам билади. Мен сизлардан, сизларнинг тимсолингизда ана шундай олижаноб даъватни қўллаб-қувватлаган бутун халқимиздан миннатдорман, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Сессияда қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, ана шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан банд этиш, одамларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Албатта, бу борада Фарғона вилоятида кўплаб амалий ишлар қилинганини эътироф этиш жоиз. Вилоятда хорижий сармоя иштирокида 107 та корхона ташкил этилгани ҳам бунинг тасдиғидир. Лекин мавжуд қўшма корхоналарнинг асосий қисми – 68 таси ёки 63 фоизи Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида жойлашгани бу борада номутаносиблик борлигидан далолат беради. Ҳолбуки, баъзи ҳудудларда, масалан, Фурқат ва Қува туманларида бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган.

Вилоятда рўйхатга олинган қўшма корхоналарнинг 12 таси ёки 11 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Уларнинг асосий қисми Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Данғара, Риштон туманларига тўғри келмоқда.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, шу масалада бошқаларга ўрнак бўлаётган шаҳар ва туманларнинг раҳбарларига раҳмат айтмоқчиман, деб қайд этди Президентимиз. Айни вақтда бу соҳада қолоқликка йўл қўяётган мутасадди шахсларга ўринли бир савол бермоқчиман: сизларга бу масалада нима тўсиқ бўлиб турибди? Ёки сизлар бош бўлган ҳудудларда ёш бўладими, ўрта ёш бўладими, иш излаб юрган одамлар йўқми? Ишлайман, ўз меҳнатим билан оиламни боқаман, деб юрган одамларнинг, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш йигит-қизларнинг кўзига биз қандай қарашимиз мумкин?

Бундай корхоналарнинг келажакни кўзлаб иш олиб боришда, эртанги кунга ишонч уйғотишда қандай катта аҳамиятга эга эканини қачон тушуниб етамиз?

Айтиш керакки, бу масалада эскича ёндашув, ўзибўларчилик кайфияти билан узоққа бориб бўлмайди. Вақт бор экан, бундай танқидий гаплардан хулоса чиқариб олиш зарур, деб ўйлайман. Раҳбарлик вазифаси бизга вақтинчалик, таъбир жоиз бўлса, насия қилиб берилган. Халқ ишончи бор экан, шу ишончга муносиб бўлиш керак. Етакчи деган одам раҳбар бўлиб узоқни кўра оляпманми, бошқаларга ўрнак бўляпманми, деб доимо ўзига савол бериши лозим. Ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш, аввало ўз устида ишлаш керак. Юзаки ишлар билан юрадиган одамларни халқ ҳеч қачон ҳурмат қилмайди, деди давлатимиз раҳбари фикрини давом эттириб.

Бугунги кунда эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг дунёқараши, фикрлаш даражаси шундай тез суръатлар билан ўсмоқдаки, энди номига раҳбар бўлиб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда, қандай қийин бўлмасин, аҳолини иш билан банд этиш масаласини энг муҳим вазифамиз деб билишимиз керак. Янги-янги корхоналар қуриш ҳисобидан иш жойларини кўпайтириш учун инвесторларни "отанг – яхши, онанг – яхши" деб кўндириш, ҳамкорлик қилиш учун юртимизга олиб келиш лозим.

Мен ҳокимларни Президентнинг жойлардаги вакиллари, деб таърифлаганман. Агар сиз менинг вакилларим бўлсангиз, Президент бугун ўртага қўяётган фикрлар, ғоялар билан яшашингиз керак эмасми?

Қўшма корхона дегани биринчи навбатда замонавий ишлаб чиқариш, замонавий иш ўринлари дегани. Лекин бундай корхоналарни ташкил этишда аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотни кимга, қайси бозорда сотиш ҳақида ўйлаш зарур, деди Ислом Каримов.

(Давоми 2-саҳифада)




## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

**"Бешариқ текстиль" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси – Фарғона вилоятида изчил ривожланаётган корхоналардан. 2009 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу корхонада 500 турдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада жорий йилнинг тўққиз ойида катталар ва болалар учун 1 миллион 885 минг дона ёзги ва қишки ҳамда спорт кийимлари тайёрланди. Қўшма корхона бош директори Рустамжон Пўлатовнинг айтишича, замонавий дизайндаги, бежирим трикотаж маҳсулотларининг сифати юқорилиги боис хорижий давлатлардан ҳам кўплаб буюртмалар тушаётир. Айни пайтда корхона маҳсулотларининг 30-35 фоизи экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхонада меҳнат қилаётган 850 ишчининг 580 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ишчи-ходимлар бепул иссиқ овқат ҳамда транспорт хизмати билан таъминланган.

**СУРАТДА:** *ишчи Зарина Алиева.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН IV МОДДАГА МУВОФИҚ 2012 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МИССИЯ ИШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТ

**Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси 2012 йилнинг 28 ноябрь – 7 декабрь кунлари IV Модда бўйича маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлиғининг ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлик қилди. ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Даниэла Гриссани хоним миссия ишининг дастлабки муҳокамаларида иштирок этди.**

**ХВЖ миссияси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари сўнгги даврда иқтисодиётда рўй бераётган воқеалар ривожини муҳокама этиб, яқин ҳамда ўрта муддатдаги истиқболлар, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши секинлашишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақида фикр алмашди.**

**Вероника Бакалу хоним миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:**

"Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди.

2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз ўсди. 2012 йилнинг сентябригача бўлган даврда эса ушбу кўрсаткич асосий экспорт товарлар нархларининг юқорилиги, давлатнинг фаол иштирокида ички истеъмол ва инвестицияларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда амалга оширилган иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари натижасида 8,2 фоиз ўсди. Бунда хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг изчил ривожланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ташқи иқтисодий алоқаларда Ўзбекистоннинг позицияси мустаҳкам сақланиб турибди, яқинда олтин экспорт қилиш ҳажми камайганига қарамай, жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит кузатилмоқда.

2011 йилнинг ўрталаридан пул-кредит сиёсати сезиларли даражада қатъийлаштирилди. Соф хорижий активлар давлат депозитларининг, жумладан, Ўзбекистон Тараққиёт ва тикланиш жамғармасида тўпланиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ликвидликни бартараф этишга доир операцияларининг фаоллашиши ҳисобидан кўпайди. Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди.

2011 йилнинг ноябрида йиллик инфляция энг юқори даража, яъни 13,8 фоизга етгач, ХВЖ ходимлари томонидан қўлланиладиган истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқобил услубидан келиб чиқиб ҳисоблаганда, 2012 йилнинг октябрь ойига келиб, 10,7 фоизгача пасайди. Ушбу инфляция кўрсаткичи сарф-харажатлар қопланишига эришишга қаратилган ёқилғи, коммунал хизматлар, нон учун тартибга солинадиган нархларнинг ошиши, шунингдек, миллий валюта курсининг пасайиши, пенсия ва иш ҳақининг сезиларли даражада ошиши ҳисобидан эҳтиёжнинг ўсишида ўз ифодасини топди. Расмий органлар услубига мувофиқ йиллик инфляция 7 фоиз атрофида бўлди.

Миссия томонидан 2012 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсиши кутилмоқда, айни пайтда ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатлари прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсиш бундан буён ҳам саноатлаштириш давлат дастури доирасида ички истеъмол талабини кенгайтириш ва инвестицияларни кўпайтириш сиёсати орқали қўллаб-қувватланади. Ташқи иқтисодий алоқалар ва солиқ-бюджет соҳасида мустаҳкам позиция сақланиб қолиши кутилмоқда.

Таркибий ислоҳотларнинг жадаллаштирилиши, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлаган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигининг янада ошишига хизмат қилади. 2012 йилда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар ижобий баҳоланмоқда ва уларни ҳаётга фаол татбиқ этиш даркор.

Миссия расмий органларга бундан буён ҳам узоқ муддатли даврда инфляция даражасини пасайтириш, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлашга эътиборни янада кучайтиришни тавсия этади. Шунингдек, миссия қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириш ва янада мослашувчан алмашув курсига риоя этишни ҳам тавсия қилди. Жаҳон иқтисодиётида ҳукм сураётган мураккаб вазият билан боғлиқ таваккалчиликларни амалга оширишда иқтисодий сиёсатни ҳаддан зиёд қатъийлаштирмаслик имкониятлари пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бюджет позицияси заифлашувининг олдини олиш, молиявий воситачиликни янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар кўриш, айниқса, валюта ва ташқи савдони тартибга солиш тизимида, солиқ маъмурчилиги, давлат маблағлари ва уларни бошқаришни тартибга солиш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётга оид маълумотлар сифатини ошириш ҳамда уларнинг тарқатилишини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатга доир чора-тадбирларни кўришни ҳам тавсия этади.

Миссия ХВЖ ходимлари Ўзбекистонга ислоҳотларни амалга оширишда, жумладан, техник ёрдам кўрсатиш орқали кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органлари ва бошқа ҳамкорларга самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади».

Qishloq Qurilish Bank

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# ҚИШЛОҚ ОБОД – ЮРТ ОБОД

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АСОСИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР, АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ЯШАШ ШАРОИТИ ЯРАТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМ

**Мустақиллик йилларида кишилардаги келажакка ишонч, ватанга меҳр, бунёдкорлик туйғуси, қолаверса, яратилаётган шароит боис қишлоқларимиз жамоли тобора кўркамлашиб бораётир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган ва кенг кўлам касб этган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. 2009 йилдан бошлаб амалга оширилиши давом эттирилаётган махсус Давлат дастури қишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура, саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида аниқ мақсадли ишларнинг бажарилишига асос бўлмоқда. Президентимизнинг қарорлари билан ташкил этилган "Қишлоққурилиш лойиҳа" лойиҳа-қидирув институти, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари ана шу жараёнда фаол иштирокчига айланди.**









УзА суратлари.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтган даврда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. **Кейинги йиллар давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлишди. Биргина жорий йилнинг ўзида 272 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 8 минг 510 та уй-жойларни қуриш ишлари амалга оширилмоқда.**

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида қуриладиган якка тартибдаги уй-жойларнинг буюртмачиси сифатида қурилишни бошқариш, техник кузатув ва назорат функцияларини амалга ошириш фаолияти билан шуғулланувчи "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шуъба-инжиниринг компанияси ташкил этилди.

Компания олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ аҳолисига "Тайёр ҳолда топшириш" шарти билан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши юзасидан барча ишлар ташкиллаштирилмоқда. Бугунги кунда, компания ва унинг филиалларида кўплаб малакали мутахассислар фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июндаги "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Юртбошимизнинг амалий фикр-мулоҳазалари ҳамда тавсияларидан келиб чиққан ҳолда "Қишлоққурилиш лойиҳа" лойиҳа-қидирув институти томонидан намунавий лойиҳаларни янада мукаммаллаштириш мақсадида таҳлилий ишлар қилинди. Жумладан, эътибордан четда қолган омиллар – шамол йўналиши, ёруғлик тушиши лойиҳада инобатга олинди. Уйларнинг кенг бўлиши, деворларнинг баландлигига эътибор берилди. Шунингдек, ҳовлидаги дарвозахона ёнида автомашина учун жой назарда тутилди.

Президентимизнинг 2012 йил 14 январдаги "2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда юртимизнинг қай гўшасига борманг, ана шундай бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Энг муҳими, кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар юртимиз жамолига ҳусн қўшмоқда. Ушбу ишларнинг асосида инсон манфаатлари устувор, аҳолига қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад мужассамдир. Агар ана шу жараён ҳақида юртдошларимиз билан, айниқса, замонавий уйли бўлган кишилар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг беҳад мамнунлигини ҳис қиласиз. Давр талаби, уй-жой эгаларининг истаклари билан лойиҳалар ҳам мукаммаллашиб бормоқда.

Қишлоқларда амалга оширилаётган бундай йирик қурилиш-монтаж ишлари аҳоли, айниқса, ёш оилаларни барча қулайликларга эга шинам уй-жой билан таъминлаб, юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бир пайтлар қишлоқ деганда кўпчиликнинг тасаввурида шундай манзара жонланарди: тупроқ кўчалар, пахсадан кўтарилган уйлар... Айни пайтда мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг, замонавий, кўркам, қулай уй-жойлар қишлоқларимизнинг кўркини очмоқда.

– Пахса уй билан пишиқ ғиштдан барпо этилган турар-жой ўртасида жуда катта фарқ бор экан, – дейди Ангор туманида яшовчи Икром Қулсоатов. – Янгиобод массивида барпо этилган янги уйимиз ёз фаслида салқин, қишда иссиқ. Кўчалар кенг ва равон. Ҳар бир уйга



замонавий иситиш қозони ўрнатилган. У нафақат табиий газ, балки кўмир билан қиздиришга ҳам мослаштирилган. Замонавий қишлоғимизда истиқомат қилаётган оилаларнинг аҳил, иноқ яшаётганига ҳавасингиз келади. Массивда умумтаълим мактаби қурилгани ҳам барчага манзур бўлди. Қишлоқ аҳолиси учун бундай шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

– Маҳалламизда пахсадан, гуваладан тикланган паст-баланд уйлар ғариб бўлиб турарди, – дейди Асака туманидаги Файзобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлонбек Орипов. – Юртбошимизнинг қишлоқлар қиёфасини тубдан яхшилашга қаратаётган эътибори туфайли маҳалламиздаги уйлар янгидан барпо этилмоқда. Кўркам ва барча қулайликка эга уйларни кўрган ҳар қандай кишининг баҳри дили очилади.

– Янги йилни янги уйда қаршилаймиз, – дейди Файзобод маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Анваржон Оқилов. – Кенжа ўғлим Азизбек шу кунларда 4 хонали янги уйга кўчиб ўтади. Бундан бутун оиламиз, айниқса, невараларим хурсанд. Минг шукурки, Президентимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли қишлоқ одамлари ҳам барча қулайлик яратилган кўркам уй-жойларга эга бўлмоқда.

Термиз туманидаги "Лимонзор" массивида олиб борилган ана шундай бунёдкорлик ишлари натижасида бу ер йилдан-йилга чирой очиб, қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Барча қулайликларга эга янги уйлар ҳавасингизни уйғотади. Аҳоли табиий газ ва электр энергиясидан узлуксиз баҳраманд бўлмоқда. Замонавий массивда турли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қад ростламоқда.

– Ўтган йили оиламиз билан маслаҳатлашиб, уч хонали уйга буюртма бердик, – дейди ёш оила соҳиби Фарҳод Шоимов. – Шу кунларда қурувчилар замонавий уйимизда пардозлаш, коммуникация тармоқларини ўрнатиш ишларини якунламоқда. Янги йилни янги уйда нишонлашга тайёргарлик кўряпмиз.

– Янги уйимизда барча қулайлик яратилган, – дейди Тошлоқ туманидаги Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Мамлакат Имомалиева. – Қолаверса, банкдан ажратилган имтиёзли кредит ҳам бизга катта ёрдам бўлди. Бундай қулайликлардан беҳад хурсандмиз.

Банк томонидан ҳар бир тадбир аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Жумладан, жорий йилдан намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун фуқароларга кредит ажратиш механизмлари анча такомиллаштирилиб, кредит олувчиларга берилаётган имтиёзлар кўпайди. Мисол учун, шу пайтгача кредитни қайтаришда имтиёзли давр 6 ойни ташкил этган бўлса, бу муддат эндиликда бир йил этиб белгиланди. Аввallари кредит олишда биргаликдаги қарздорлар тоифасига фақат оила аъзолари киритилар эди. Энди эса доимий иш жойи ва даромад манбаига эга бўлган ҳар қандай шахс ихтиёрий равишда шерик қарздор сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

Бундай имтиёзлар, айниқса, ёш оилалар учун жуда катта имкониятлар яратмоқда. Чунки ёш эр-хотиннинг даромади ҳисобланаётганда уларнинг маблағи кредит фоизи ва асосий суммани қайтаришга етмаса, биргаликда қарз олувчилар моддий ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Энг муҳими, банк кредит ҳисобига қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида якка тартибдаги уй-жой қураётган жисмоний шахснинг ипотека кредити ва фоизлар сўндирилиши учун йўналтирилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммаси даромад солиғига тортилмайди.

– Қурилиш қилган киши билади, унинг ташвиши кўп, – дейди янги уйли бўлаётган Абдуваҳоб Пўлатов. – Ишидан қолиб, бозорга югуришга тўғри келади. Гоҳо у етишмайди, гоҳо бу. Унинг устига усталарнинг ҳолидан хабар олиш керак. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларнинг афзаллиги шундаки, бу уйларнинг калитини тайёр ҳолатда оласиз.

Ҳа, бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар обод қишлоқларимиз жамолини янада яшнатиб, тараққиёт ва фаровонликдан сўзламоқда.

Айни пайтда келгуси 2013 йилда бунёд этиладиган яна ўн минг уй-жой учун буюртмалар қабул қилиш, қурилиш ташкилотларини аниқлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Фуқаролар эса янги уй-жойлар учун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг "Қурилишга бошланғич бадал" омонатига ўз маблағларини қўймоқдалар.

Буларнинг барчаси келажакка ишончнинг ёрқин кўринишидир. Молия муассасаси эса озод ва обод Ватанимизнинг янада гулабяшнаши, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб улуш қўшишда давом этаверади. Банкнинг янада равнақ топиши, мижозларга хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиши, сирасини айтганда, тараққиётга камарбасталиги кучайиб бораётганлиги иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги янада ошишига хизмат қилажак.

**Банк матбуот хизмати**

# СПОРТ

▼ ФУТБОЛ

**МДҲ КУБОГИ:**

## БИРИНЧИ БАҲС АМАЛДАГИ ЧЕМПИОНГА ҚАРШИ КЕЧАДИ

**14 декабрь куни "МДҲ Кубоги-2013" мусобақасига қуръа ташланди. Унга кўра, Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги Ўзбекистон 20 ёшгача бўлган ёшлар терма жамоаси «В» гуруҳида мусобақанинг амалдаги чемпиони — Россия, Қирғизистон ҳамда Қозоғистон ёшларига қарши кураш олиб боради.**



Анъанавий тарзда ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кубоги мусобақасининг навбатдаги баҳслари 2013 йилнинг 17-25 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади.

2013 йилги мусобақада жами 12 терма жамоа иштирок этиш истагини билдирган. Маълумки, 2012 йилда МДҲ Кубогининг формати ўзгарган ва унда МДҲ таркибига кирувчи мамлакатларнинг ёшлар терма жамоалари иштирок этадиган бўлганди.

Плей-оффга гуруҳлардаги биринчи ва иккинчи ўринни олганлар ҳамда энг яхши натижа кўрсатган 2 та учинчи ўрин соҳиблари ҳам йўл олади. Чорак финал баҳслари гуруҳда қайд этилган натижаларга қараб тузилади.

Учрашувлар ўтказиладиган саналар:
**«В» гуруҳида Ўзбекистон терма жамоаси ўйинлари**
*1-тур. 18 январь*
Россия — Ўзбекистон
*2-Тур. 20 январь*
Ўзбекистон — Қозоғистон
*3-Тур. 21 январь*
Ўзбекистон — Қирғизистон

## «КОРИНТИАНС» – КЛУБЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**Япония давлатида Клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионати якунига етди. Унда Бразилиянинг «Коринтианс» жамоаси Англиянинг «Челси» клубига қарши майдонга тушди. Қизиқарли кечган баҳсда 1:0 ҳисоби қайд этилиб, Лотин Америка вакилларининг ғалабаси билан якунланди.**



Учрашувда ягона гол 69-дақиқада Герреро томонидан киритилди. Сўнгги дақиқаларда «Челси» футболчиси Кэйхилл майдондан четлатилди. Унинг жамоадоши Фернандо Торрес томонидан қўшиб берилган дақиқаларда ажойиб имконият содир этилди ва тўп дарвозага ҳам кирди. Аммо бу вазиятда, қанот ҳакамы ўйиндан ташқари ҳолатни қайд этганди.

Шу тариқа «Коринтианс» 2012 йилги Клублар ўртасида Жаҳон чемпиони бўлди. Мусобақа давомида бирор марта ҳам ўз дарвозасидан гол ўтказиб юбормаган Кассиу эса энг яхши ўйинчи, деб топилди.

▼ ШАХМАТ

## ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

**Ҳиндистонда шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида давом этаётган VIII Осиё чемпионатининг рапид – тезкор шахмат баҳсларида ўзбекистонлик ёш шахматчилар совриндорлар қаторидан жой олди.**

Деҳли шаҳрида ўтаётган бу галги Осиё чемпионатида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Мўғулистон, Малайзия, Шри-Ланка, Бангладеш, Қозоғистон ва Қирғизистондан 400 нафардан зиёд беш ёшдан ўн етти ёшгача бўлган ўғил-қиз ғолиблик учун дона сурмоқда.

Тезкор шахматда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида олти имкониятдан беш очко жамғариб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Ўн бир ёшгача бўлган қизлар баҳсида Асал Салимова 4,5 очко билан учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўн уч ёшгача бўлган қизлар ўртасида 5,5 очко жамғарган Баҳора Абдусатторова бронза медаль билан кифояланди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

○ Реклама ва эълонлар

CHILONZOR ULGURJI SAVDO
реализует со склада в ташкенте
Товар сертифицирован

- Цемент в мешках, шифер, шлакоблоки
- Алебастр, гипс строительный, формовочный
- Мел, известь негашеная в мешках
- Битум строительный, рубероид (Пал, Ташкент)
- Сухие строительные смеси
- Гипсокартон, мин.плита, мин.вата, стекловата
- Шпаклевка масляная, клеевая
- Песок, щебень, клинец, шагал
- Лопаты, кетмени, топоры, кувалды, молотки
- Ломы, косы, серпы, кирки, топоры, гвоздодеры
- Шпатели, мастерки, ковши
- Макловицы, кисти, валики в широком ассортименте
- Марля, бязь, нетканное полотно, рукавицы, перчатки
- Брус, рейки, наличники, плинтуса, фанера, ДВП, ДСП
- Карбид кальция, линолеум, тележки
- Метизная продукция (болты, гайки, шайбы)
- Гвозди в ассортименте, саморезы
- Клей ПВА, столярный, КМЦ, клей плиточный
- Электроды (МР-3, АНО-4)
- Газосварочное оборудование
- Стекло, жидкое стекло, стекло оконное
- Лакокрасочная продукция (эмали, краски, лаки,
- пигменты, растворители, разбавители)
- Металлопрокат: арматура d10-32, круг d12-16,
- уголок 35-75, швеллер от 6 до 24, квадрат от 12 до 20
- Сетка рабица, проволока колючая, вязальная
- Профиль монтажный, листы оцинкованные
- Моющие средства и сан.порошки

А также более 1000 наименований товара ф/о - любая
Чилонзарский филиал: (8371)276-63-00, 276-67-00 | Юнус-Абадский филиал: (8371)225-43-96, 225-50-51 | www.chus.uz, www.chsu.uz, e-mail: chsu2004@mail.ru

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган
T.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1214, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.05
15004 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 345